

Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригидан.

Ўткир РАҲМАТ

НУРАФШОН КУНЛАР ҲАМ КЕЛАР ЭКАН-КУ!

Бировага мутелик дардлари оғир,
Қарамлик гурбати этади адо.
Неларни кўрмайди бешлоқ тақдир,
Яшайдан не асли мақсад мудоао...
Вақт келиб сабр ҳам тўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Мозийдан тикилар уйғоқ нигоҳлар,
Гарчи у зулмининг дастидан абгор.
Кўксидан ўчмаган фиғону оҳлар,
Замона залийдан чеккан минг озор...
Чин дилдан эзгулик тилар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Сарсонун саргардон йўл босди узоқ,
Шамолу довулар эсиб кўймади.
Бетининг эргашиб азобу қийноқ,
Мазлум эл қадрини топтаб тўймади...
Матонат – мард, жасур қилар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Менсимас манфаат очирмади кўз,
Беғона ниятлар музоққа олди.
Бўғзида қадалиб қолиб кетди бўз,
Чорасиз дамларни бошига солди...
Умидвор умидлар бўлар экан-ку...
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Дунёки кундан кун қалқиб турибди,
Тўлқинлар маеж урар, дарё турмас жим.
Довулу шамоллар кезиб юрибди,
Қайдадир яхшилик, қайдадир зулм...
Эзгулик бор жойда куллар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Асрий орзулари ушалиб элнинг,
Ўзликни қаддини кўтарди бардам.
Манзили порлоқдир бу янги йўлнинг,
Шижоат, шашти зўр, оидмлар шаҳдам.
Диллар ҳам шодликдан тўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Бу дамлар ўзидан бўлмади пайдо,
Армонлар бирма-бир ечмоқда тугун.
Қадри ҳам юксалиб кундан кун ҳатто,
Бунёдкор элимиз шод, омон бу кун.
Боболар, момолар билар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Тенгларнинг ичиди тенгдир жон Ватан,
Илм-фан бобода ҳеч қимдлар жонни.
Келажак умиди фарзандлар экан,
Унинг машъаласи ҳеч қачон сўнмас.
Бахт кулиб, бошини силар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Юртбошим меҳри бу, эътибори бу,
Ҳар қалбда уйғотган ғайрат, шижоат.
Ватанга муҳаббат абадий туйғу,
Олдинга интилимоқ чоғидир фақат!
Орзулар вақт келиб гуллар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Майдонда курашар ҳар фарзандинг шер,
Миллат ори учун тикдилар жонни.
Бугун олам аҳли ҳавас ила дер:
«Яна лол қолдирдинг кўнжа жажонни».
Дунёга йўл олса бўлар экан-ку...
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Ушалди ниҳоят кўп йиллик орзу:
Юртимни кутиб ол шонли мундиал!
Энди зафар йўли бўлмас қоронғу,
Омадлар ёр бўлсин сенга ҳар маҳал!
Саодатинг порлоқ кулар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Ишончу ирода, сўнмас қатъият
Ўғлонлар қалбига бўлди жоб бузун.
Жаҳон аҳли ҳатто тан олар хурсанд,
Олқишлайди бутун Осие бугун.
Ҳақ деганин Ҳақ ҳам қўллар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Истаклар рўёби ҳар дилга сайқал,
Кўз порлар шарафнинг қасидасидан.
Чайқал она халқинг, гурурла чайқал,
Кўксинг тоғ қолиблик нашидасидан,
Юрагинг бахтга эш бўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Юртбоши истаги — зафар номасин
Авлодлар кўнелида асрамоқ ҳар он.
Умидинг сўлмасин, асло битмасин
Бу порлоқ кунларинг, жон Ўзбекистон!
Токи кўнелинг сўнмас нурларга тўлсин,
Нурафшон кунларинг абадий бўлсин!

МУҲИМ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ ҲАФТА

Бу ҳафта мамлакатимиз ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим воқеалар жуда кўп. 9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

Брифингда қайд этилган энг муҳим маълумотлар:
— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо билан музокаралар ўтказди. Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди;
— 10 июнь куни давлатимиз раҳбари Болгария Республикаси Президенти Румен Радев билан музокаралар ўтказди;
— 9 июнь куни Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз иштини бошлади. Унда 8 минг нафар делегат, шу жумладан, 100 га яқин давлатдан 3 мингга яқин хорижий меҳмон иштирок этиши кутилмоқда.

Жумладан, Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазири Роберт Фицо, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев, шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Элина Валтонен, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, БРИКС Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф ва бошқалар қатнашади.

БРИФИНГ

— форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлайди. Давлатимиз раҳбари глобал хавфсизлик қаҳриқлари жаҳон иқтисодиётига ўтказётган таъсири тенденцияларини ҳисобга олиб, ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ҳамда Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий дастурининг асосий йўналишлари бўйича ўз фикрларини билдиради.
— форум доирасида биринчи марта Миллий кўргазма ташкил этилади;
— 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг 3-ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

@Press_Secretary_Uz



ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЖАМОА

Ўзбекистон терма жамоаси тарихда илк бор жаҳон чемпионатида йўл олди.

Бу — шунчаки оддий хабар ёки шунчаки оддий ютуқ эмас! Бу — ўзбек футбол ютуғи! Бу — бутун юртининг галабаси, бутун халқнинг тантанаси!
Ва ниҳоят, 30 йилдан ортқ вақт мобайнида нафақат футбол майдонларида, балки юрак, қалб ва кўнглиларда ҳам тепилган орзу тўли тарих дарвозаси чизигини кесиб ўтди — гол! Тўп — тарих тўрида. Янги Ўзбекистонда яна бир янги тарих ёзилди.
Ҳар қандай улкан ютуқ эътироф ва эътиборга лойиқ, албатта. Давлатимиз раҳбари миллат юрагидан жой олган тарихий натижа кўлга киритилган, яъни БАА — Ўзбекистон ўйини яқунланган, терма жамоаси аъзолари билан телефон орқали боғланиб, уларни самимий табриқлади. Унинг сўзларида ҳам гурур, ҳам муҳаббат, ҳам миллатнинг миннатдорлиги мужассам эди: «Сизлар — нафақат майдонда, балки халқимизнинг юрагида ҳам галаба қозондингиз!»
Президент фармони билан Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ва мураббийларига давлат мукофотлари берилди. Энг муҳими, «Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ва мураббийларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармон ўша кўннинг ўзидаёқ, яъни 2025 йил 5 июнь куни имзоланган. Мана, сизга эътибор, мана, тезкорлик!
Ўзбек футболчилари кўлга киритган ютуқ халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътиборини тортиди. FIFA президенти Жанни Инфантино шахсан ўзи Ўзбекистон раҳбарига табриқ йўллади. У ўз табриғида Ўзбекистоннинг футбол соҳасидаги улкан қадамини олқишлади ва жаҳон чемпионатидаги иштирокига катта ишонч билдирди: «Ўзбекистоннинг жаҳон чемпионатида чиқиши — катта воқеа. Бу ютуқ юртингизда футболнинг барқарор ривожланаётганидан далолат беради».

Айни кунларда юртимизда шоду хуррамлик ҳукм сурмоқда. Шу бугун Тошкентда бўлиб ўтайдиган Ўзбекистон — Қатар баҳси байрамона руҳда ўтказилади.

Унда терма жамоамиз аъзоларига мукофотлар (машиналар) ҳам топширилади. Бугун футбол байрами. Ва бу байрамнинг меҳмони — бутун дунё!
Ҳа, энди биз майдон четидида қолган муҳлис эмасмиз.
Энди биз — жаҳон чемпионати иштирокчиларимиз!
Энди Ўзбекистон деган номни жаҳон эфирларида ҳам, турнир тақвимларида ҳам кўришади.
Энди давлатимиз гимни жаҳон стадионларида янграйди, байроғимиз дунё томошабинлари олдида баланд кўтарилади.
Энди Ўзбекистон — жаҳон миқёсидаги жамоа!
Шундай даражага чиқилгани, шундай мақомга эришилгани учун раҳмат сизга, йигитлар!
Сизлар ўзбекининг фахри, гурурисиз!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор ФУТБОЛДА ШОН ТОПДИ ЎЗБЕГИМ

(Фаҳрия)

Кувонч кўз ёшлари — кўзимнинг кўрки,
Ифтихор, шукрона — сўзимнинг кўрки,
Янги Ўзбекистон — юзимнинг кўрки,
Мардлар дунё билан қандай юзлашар?
Сенсираб гапирса, улар сизлашар.

Ўзбеклар азалдан шундай яшаган,
Осиё кўкида кундай яшаган,
Ҳар бир лўқмасини ҳалол ошаган,
Бу халқ ёмонлики ёмон кўради,
Яхшини бошдаги осмон кўради.

Қадимий қудратин эрки кўрсатди,
Бошин омон тутган бўрки кўрсатди,
Билганин беминнат мудом ўргатди,
У поклик васфида ҳамон ҳур булбул,
Боқийлик боғида юз очган бир гул!

Энди мен мақсадга кўчганим бўлсин,
Шодлик самосида учганим бўлсин,
Тангри «зам-зам»идан ичганим бўлсин,
Чунки кутган бахтим Арабда кўчдим,
Араб майдонида шарафда кўчдим.

Футбол — бу ўзбекининг азоби эди,
Жигарин қон қилган кабоби эди,
Ким учун у майдон хароби эди,
Кун келди, фикрига таваба қилдилар,
Бизни билмаганлар энди билдилар!

Ҳақ дедик — Тангрининг қаромати бу,
Муҳлислар меҳрининг саодати бу,
Ўзбек ўғлонлари шижоати бу,
Тилларида доим «Алҳамдулиллоҳ»,
Ёр бўлди, ёр бўлди меҳрибон Аллоҳ!

Босим қилганларнинг ўзи босилди,
Аламдан қош-қабоб, лунжи осилди,
Йўлимиз тўсганин эътибор тўсилди,
Ўттиз саккиз милён элнинг дуоси —
Янги музаффарлик — янги садоси!

Жаҳонни ҳайратга солгани ростдир,
Қалбарни қувончага қоргани ростдир,
Бу ҳалол ғалаба миллатга хосдир,
Кўриб йиғламаган одам қолмади,
Янги Ўзбекистон — янги омади!

Юртбоши қутлови — халқин дил сўзи,
Кўзлари намланар, қўйшдир юзи.
Футболда шон топди ўзбегим ўзи,
Нечун қувонмасин Юрт раҳнамоси,
Бу ўттиз тўрт йиллик орзу сафоси!

Ўткирбек ўғлони қаҳрамон бўлса,
Олти бор юрт шаънига қалқон бўлса,
Шундай бўлар, бир дарвозабон бўлса,
Қалам тутдим мен ҳам сизга теримга,
Севинч кўз ёшларим сиёҳ шеъримга.

Темур Кападзенинг пойқадами хуш,
Меҳрибон мураббий тил малҳами хуш,
Деймиз, ҳеч ким кўнели бўлмасин нохуш,
Яратган оқимиз тинглаб турганда,
Ўзи омадимиз ўнглаб турганда.

Отабек мадҳига қалам ожиздир,
Аббосбек тўп сурса, учар юлдуздир,
Одил олдга ўтса, рақиб дилгирдир,
Миллат шунқорлари, эл ўғлонлари,
Улар Ватан қадрин зўр посбонлари!

Ҳожиакбар мисли шиддат шамоли,
Футбол бу — Элдорнинг туғма камоли,
Жалолиддин — жамоанинг иқболи,
Бир жон, бир тан бўлди, бир Ўзбекистон,
Бундай жамоага таъзим, шараф-шон!

Ҳавас қилганларга ибрат тимсоли,
Илҳом манбаидир, бахтнинг жамоли,
Жон фидо бўлса ким улар мисоли,
Ота-онаниннинг дуосин олиб,
Бўлгайдир ҳамиша ҳар ишда ғолиб!

Тарихий галаба — ўзбекининг ори,
Жанни Инфантино — ФИФА сардори,
Йўллаган мактуби қувонч алёри.
Араб майдонида қилиб тўйини,
Жаҳонга бўйлади Ўзбек бўйини!

Қўл очинг, азизлар, энди «Омийн!» денг —
Тинч бўлсин элу юрт, она замин, денг.
Футбол оламига йўл очилди кенг,
Зафар ёр, соғ бўлсин олтин бошлари,
Янги Ўзбекистон — янги ёшлари!

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Қўлидан бирон иш келмайдиган аёллар камдан-кам. Бойси, танг аҳволда қолганида фарзандлари келажаги учун она доим чора топишга уринади. Уйда фойдаланилмай турган буюми, захирадаги картошка-пиёзани бозорга олиб чиқади, сизир соғиб, сутини сотади, кимнингдир ҳовлисиде ишлайди, ошхонада идиш-товоқ ювади... Улар қўллаб-қувватланса, ҳақиқий бизнесменга айланиши мумкин. Буни тизимли равишда йўлга қўйиб келинаётган «Аёллар дафтари» ҳам исботлади.

НАТИЖАЛАР УЗОҚ
КУТТИРМАДИ



У туйфаили уйда ўтирган минглаб аёллар эндиликда муқим касб-хунар соҳибига айландилар. Жумладан, Хоразм вилоятида 228 минг нафардан ортиқ хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. 6-босқичда 59 минг 216 нафар аёл рўйхатга олинди. «Arda Xiva» мажмуасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳамда «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ишсизликни камайтириш мақсадида юз нафар аёл билан учрашув уюштирилди. Унга дастлаб босқичда рўйхатда бўлган, бугун моддий

аҳволи яхшилланган ўн нафар тадбиркор аёл, ҳоқимлик ва банк мутасаддилари ҳам таклиф этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева, «Микрокредитбанк» бошқарув раиси ўринбосари Шахло Ибрагимова хотин-қизлар учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида атрафлича тўхтадилар. Тадбиркор аёллар эса ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, дастлаб иш бошлаганларидаги қийинчиликлар, муваффақият сари ташланган қадамлар, касабаси уюшмалари ва банк билан ҳамкорлик орқали ижобий ечим топ-

ган муаммолар ҳақида сўзлаб бердилар. Банк вакиллари томонидан имтиёзли кредитлар, молиявий саводхонлик асослари, бизнесни қандай йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотлар берилди. Аҳамиятлиси, шу куннинг узидаёқ тадбиркорлар томонидан 15 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномалари имзоланди. Урганчдан Насиба Аллаберганова, Янгиеридан Тамара Жуманиёзова, Хива туманидан Фаридан Нуржанова каби тадбиркор аёллар ўз жамоаларига янги ходимларни қабул қилдилар.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА
«ISHONCH»

“КАСАБА УЮШМАЛАРИДА
ИШЛАГАНИМДАН ҒУРУРЛАНАМАН”

Умр — оқар дарё. Уни мазмунли ўтказган кишилар ёшлиги, бахтиёр онлари, ўғил-қизларининг тўйларини қилиб, набира кўрган пайтларини ҳеч қачон унутмайди. Айниқса, кеналик даврида эслашга арзугулик онлар кўп бўлса, қандай бахт-а!

Касаба уюшма фахрийси Чори бобо жайдари, камтар ва камсуқум одам. Унинг бутун умри Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашида ўтган. Навоий шаҳри «Бунёдкор» маҳалласидагилар Чори Қодировнинг самимиятини, одамохунлигини яхши билишди. Мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган бобонинг гурунгида ёшу қари бирдек бахраманд бўлади. Бобонинг хонадонига қадам қўяр эканмиз, у бизни ажиб бир илиқлик билан қаршилади. Келишимиз сабабини билгач, қалби фаҳрга тўлди, тилида шукроналик сўзлари такрорлана бошлади. 1956 йил 12 мартда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида туғилган Чори Қодиров 1982 йилда Тошкент политехника институти Навоий филиалининг муҳандислик-механика факультетини тугатади. Иш фаолиятини 1973 йил Навоий курилиш бошқармасида электр-монтер лавозимида бошлайди. 1978-1982 йилларда Тошкент трактор заводида уста, 1982-1986 йилларда Навоий вилояти

аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш корхонасида бўлим бошлиғи вазифасини бажаради. 1986 йилдан эса Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашида Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ва меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолиятини давом эттиради. Бурчига масъулият билан ёндашиб, халқимизнинг ижтимоий ҳаётини юксалтиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда фаол қатнашади. Чори бобо самарали меҳнатлари учун бир неча бор Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси, унинг вилоят кенгаши, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. 2012 йилда эса Федерациянинг «Эҳтиром», 2016 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги», 2024 йилда иккинчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари билан тақдирланган. — Йўқлаб келибсизлар, раҳмат, болаларим. Яратганга шукурлар айтиб, фар-

зандларим ва набираларим ардоғида ўтирибман. Касаба уюшмаларида ишлаганимдан ғурурланаман. Бугун эъзоз ва ардоқдаман. Азиз йигитлар ва ойрухсор қизларга айтган гапим шунки, фақат ва фақат ўқинг. Илмнинг, касбнинг этакдан тутинг. Ҳунарли бўлсангиз, ҳеч бўлмаганда ҳаётингизда ўзингиз учун асқатадиган нимагадир эга бўласиз. Ойлада ҳам ўз ўрнингиз бўлади. Бу ишингиз бора-бора кўникмага айланиб, оила учун, кейинчалик жамият учун, Ватанингиз учун бир нима қилмасангиз, нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Ана шу ҳис сезини олға интилишга ундайверади. Чори бобо билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У касабаси уюшмаларида фаолиятини қувонч билан эслади. Турмуш ўртоғи Робия Қодирова билан беш фарзандни воёга етказиб, ўқимишли, илмли, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаганидан фахрлишини таъкидлади. Бобо билан хайрашиб қайтар эканмиз, қулоқларим остида унинг «Ватан учун нимадир қилмасангиз, бир нима камдек туюлаверди!» деган гаплари такрорланаверди...

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

«ОЛТИАРИҚ» БОЛАЖОНЛАРГА
ҚУВОНЧ УЛАШМОҚДА

ХИССА

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги «Олтиариқ» болалар оромгоҳида мавсум бошланди. Айни пайтда маскан 100 нафар ўғил-қиз билан яна фойдага тўлди. Сўлим гўшада бола-

жонларнинг ҳар бир кунини завқ-шавққа тўла ўтмоқда. Спорт мусобақалари, турли йўналишларда ташкил этилаётган тўғрақлар уларга жуда манзур бўлмоқда. Она тили, адабиёт, инглиз ҳамда рус тили фанлари бўйича ўти-

фарзандларимизнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Сарвар БОБОРАҲИМОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи

МУСОБАҚА

«БОЛАМ ЁМОН
ЙЎЛГА ЮРМАСИН»,
ДЕСАНГИЗ, УНИ
СПОРТГА БЕРИНГ!

—Тез-тез «Фалончининг боласи ота-онасидан яшириб сигарет чекиб юрар экан, пистончининг боласи психотроп моддаларга ружу қўйибди», деган гаплар қулоғимизга чалинапти, — дейди «Пахтакор — ННН» футбол жамоаси раҳбари Донёр Нортожиев. — Шунинг учун ота-оналарга айтган бўлардимки, кун бўйи ишлайсиз, фарзандингизни назорат қилолмайсиз. Яхшиси, футболга, курашга, теннисга, майли, фарзандингиз қайси спорт турига қизиқса, ўша тўғраққа олиб боринг. Ишонинг, спорт болага фақат яхши томондан таъсир қилади. Мусобақалар, натижага эришиш мақсади болани ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқтиради ва ўз-ўзидан болаларнинг бундай ёмон, зарарли одатларни орттиришга вақти қолмайди.

Яқинда «Яккасарой» спорт соғломлаштириш мажмуасида 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол турнири бўлиб ўтди. Унда 64 нафар бола 4 жамоага бўлиниб, мусобақалашди. Совриндор жамоа аъзолари Касаба уюшмалари Федерациясининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Тадбир жуда чиройли ташкил этилди. Уйиндан олдин ихчам байрамона дастурхонга чорлашди. Болажонларимиз тенгдошлари билан озгина бўлса-да, байрам кайфиятини ҳис этишди. Бундан биз, ота-оналар ҳам хурсандимиз, — дейди ушбу мусобақага фарзандини олиб келган Мавлуда Ҳақимова. — Уч нафар фарзандимнинг ҳаммаси ўзлари қизиққан спорт турига қатнашди. Шунинг учун соғлом ва чаққон.

Ташкилотчилар бундай турнирларни тез-тез ўтказиб туришга ваъда беришди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

2024 йил 10 декабрь куни Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилояти ҳудудий филиалининг 15 нафар ходими иш берувчи уларнинг меҳнат ҳақидан асоссиз ушлаб қолаётганидан норози бўлиб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди.

АССОСИЗ УШЛАБ ҚОЛИНГАН...

Ўрганиш жараёнида 2024 йил октябрь ойида Сирдарё вилояти прокуратураси сўровига асосан давлат тиббий суғурта жамғармаси ички аудит хизматининг Сирдарё вилояти ҳудудий бош мутахассиси филиалда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан текшириш ўтказгани, унинг якуни юзасидан маълумотнома расмийлаштирилиб, маълумотноманинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши қонунийлигини ўрганиш қисмида ходимларга навбатчилининг 18:00 дан 22:00 га қадар бўлган вақт учун «кечки смена» ёки «кечки вақт» учун тўланган 30 фоиз иш ҳақиға қўшимча тўлов натижасида пул маблағи ортиқча тўлангани таъкидланган.

Натижада иш берувчи юқоридеги 15 нафар ходимнинг иш ҳақидан Меҳнат кодексининг 269-моддаси талабига зид равишда ходимлар розилигисиз ушлаб қолган. 2025 йил 3 февралда ушбу ходимлар манфаатини кўзлаб, ФИБ Гулистон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Бироқ суд уни қаноатлантиришни рад этгач, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция судлов ҳайъатига шикоят аризаси киритилди. Шундан сўнг биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, 15 нафар ходим иш ҳақидан асоссиз равишда ушлаб қолинган 42 562 579 сўм миқдордаги пул маблағини ходимлар ҳисобига қайтариш ҳақида ажрим қабул қилинди.

Абдурахим АЛБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касабаси уюшмаси
Республика кенгашининг
Сирдарё вилояти
бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Халқимиз «Ҳар қандай қинғир ишнинг бадали бор», деган гапни бежиз айтмаган. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ходим (исм-шарифи ўзгартирилди) Т.Эргашевнинг мурожаати ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди.



Касаба
уюшмаси
аралашгач...

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида анча йиллардан буён бўлим мудираси сифатида фаолият юритиб келаётган ходим номаълум сабабларга кўра, ишдан бўшатилди. Бундан норози бўлиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилади.

Шундан сўнг Т.Эргашева 2024 йил июнь ойида суднинг ҳал қилув қарори билан ўз иш ўрнига тикланган. Бироқ мажбурий лозим бўлган 12824547 сўм иш ҳақи ҳамда 5742334 сўм маънавий зарарни ололмаган.

ҚОНУНГА
БЎЙСУНМАСЛИК
БАДАЛИ

Иш берувчи суд қарориде кўрсатилган тўловларни тўлашдан бош тортиб келган ва фақат 2024 йилнинг 5 ноябрида тўлаб берган.

Бу эса иш берувчи томонидан ходимга тўланиши шарт бўлган пуллар ўз вақтида тўланмасдан, 8 ой муддатга чўзилиб кетгани боис яна 8 ой муддатга компенсация пули ҳисобланишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, ишга тикланган ходимга 2024 йилнинг 26 мартдан 5 ноябригача ҳеч бир асоссиз иш ҳақи тўланмай келингани аниқланиб, бу ҳолатга ҳам алоҳида ҳуқуқий баҳо берилди. Унга кўра, ходимнинг мажбурий бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ҳисоблаб чиқилди ва ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда компенсация пуллари ҳисобланиб, уларни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судга қайта даъво ариза киритилди.

Бир неча бор ўтказилган суд жараёнларидан сўнг суднинг 2025 йил 18 апрелдаги қарори билан ходимнинг ҳуқуқлари қайта тикланди.

Даврон УРАЗБАЕВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касабаси уюшмаси
Республика кенгашининг
Қорақалпоғистон бўйича меҳнат
ҳуқуқ инспектори

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА СУДГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ. МАҚСАД — АЛИМАРДОН САФАРОВНИНГ ҚОНУНИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ТИКЛАШ.

ДАЪВОГА
ЭЪТИРОЗ
ЙЎҚ

Гап шундаки, у 2017-2024 йилларда Қўқдала туманидаги 54-мактабда амалиётчи психолог вазифасида фаолият юритган ва шу давр мобайнида бирон марта меҳнат таътилига чиқмаган ҳамда иш берувчидан ҳеч қандай компенсация олмаган.

Суд мажлисида ходимнинг даъвоси ўз тасдиғини топди. Бунга иш берувчи томонидан иштирок этган мутасаддилар ҳам эътироз билдиришмади. Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ходимга фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация тўланиши шарт. Суд аини шу нормага асосида даъвомизни тўлиқ қаноатлантирди. Пирровардида иш берувчидан А.Сафаров фойдасига 21 миллион 342 минг сўм миқдорда компенсация ундирилди деган қарор чиқди.

Одил МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон касабаси
уюшмалари Федерацияси
Қашқадарё вилояти
кенгаши мутахассиси



МЕВАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ:

ХОҲИШ ЙЎҚМИ ЁКИ УҚУВ?

Бундан тўрт ойлар аввал Рақобат кўмитаси маҳаллий маҳсулотлар билан тўйинмаган бозорлар бўйича таҳлил натижаларини эълон қилди. Зикр этилган рўйхатда болалар учун мевали пюрелар ҳам бор. Яъни айни пайтда мамлакат бўйича ушбу йўналишда маҳаллий ишлаб чиқариш мавжуд эмас, 24 та корхона томонидан фақатгина мевали мураббо тайёрланади. 2023 йилда 23 та давлатдан умумий қиймати 2,9 миллион долларга тенг 1,2 минг тонна маҳсулот олиб келинган. Мевали пюрелар асосан Россия, Исроил ва Қозғистондан импорт қилинган бўлиб, маҳаллий бозорнинг тўйинганлик даражаси 0 фоизга тенг.

Кўмита таҳлилидан хулоса шуки, сўз бораётган маҳсулот бўйича маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Жайдари тилда айтганда, бу соҳа тадбиркорлар учун қарийб очилмаган кўриқ.

Ҳар қандай оила мураббо ва мева шарбатларига бўлган ўртача йиллик эҳтиёжини хонадон шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари билан қоплай олмайдими. Ички бозорда бу борадаги талаб ҳаммиша юқори. Шунга мос равишда бугун харидорлар олди танлов имконияти ниҳоятда кенг. Дўконларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тақлифларидан ташқари, импорт маҳсулотлар ҳам эътиборни тортади. Ҳатто аксарият расталарда хориж маҳсулотлари ўзимизникига қараганда анча ранг-баранг ва бир неча баравар кўпроқ.

Келинг, кузатувларимизни Андижон вилоятидаги озиқ-овқат дўконлари ва йирик савдо тармоқларидаги вазият мисолида баён қилайлик: бугун малина, қулупнай, қорағат каби резавор меваларнинг мурабболари асосан Россиядан келтириляпти. Шу билан бирга, Туркиянинг беҳи ва атиргул баргли мурабболари, Озарбайжон компаниясининг гилос, беҳи, олхўри компотлари, Афғонистоннинг Хирот шаҳридан келтириляётган анор шарбатлари, Арманистонда ишлаб чиқарилган бир неча хил мевали ичимликлар аллақачон маҳаллий бозоримизда ўз харидорини топиб улгурди. Дўконларда ҳатто тўрт ойлик чақалоқлар ҳам ичishi мумкин бўлган олма ва узум аралашмасидан тайёрланган мева шарбати оммалашаяпти. Маҳсулот – Венгрияники.

Албатта, харидор танлови эркин, қандай маҳсулот истеъмол қилишни ўзи ҳал этади. Бироқ нега импорт ўрнини боса оладиган маҳаллий маҳсулотлар кам? Дунё бозорлари га қийсаслақ, мева-сабзавотларнинг энг арзон ва сифатлиси ўзимизда етиштирилади-ку, ахир.

Кейинги 10-12 йилда мамлакатда, жумладан, Андижон вилоятида ҳам мева-саб-

завот етиштириш кўрсаткичлари кескин ошгани бор гап. Бунга, аввало, одамларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар, яъни ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, сабзавот экинларидан йилга икки-уч марта ҳосил олишга интилиш каби жиҳатлар сабаб бўлаёттир. Қолаверса, ҳукумат томонидан айрим ҳудудлар боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Мисол учун, Асака тумани далаларида пахтачиликдан воз кечилиб, фермер хўжаликлари фақатгина мева, узум, картошка ҳамда сабзавот экинлари етиштиришга ўтди. Қолаверса, давлат раҳбарининг тегишли қарори ижроси доирасида вилоятда пахта экиб келинаётган, аммо ҳосилдорлик пастлиги сабаб меҳнат ва ресурсни оқламаётган юзлаб гектар ер майдонлари «даволаш» мақсадида дуккакли, мойли, сабзавот ва озуқа экинлари етиштиришга ажратилганига ҳам 10 йил бўлди. Натижани кўриб турибсиз: бозорларимизда йил – ўн икки ой тўкин-сочинлик, мева-сабзавотнинг исталган турини топишингиз мумкин. Уларнинг мазаси, шакл-шамойили, сифатига гап бўлиши мумкин эмас. Бироқ сархил мева-сабзавот етиштираётган боғbon ва деҳқоннинг ҳар мавсумда меваси оқараяпти, деб айтолмайми.

Қай йили олма ва олхўри мевалари исроф бўлса, бошқа сафар карам етиштирган, яна бир гал саримсоқ, аччиқ қалампир парваришлаган миришкорлар меҳнатига қуйиб қолгани ҳаммаимизга маълум. Утган йилги пиёз билан боғлиқ вазият кўпларнинг ёдида. Шу кунларда эса ижтимоий тармоқларда тарвузнинг нархи кепак баҳосидан ҳам арзонлиги, деҳқоннинг меҳнати бу йил ҳам қадр топмаслиги ҳақидаги фикрлар айланиб юрибди. Демак, мана шундай вазиятларда деҳқон ва боғbonга камарбаста бўладиган, исрофгарчиликнинг олдини оладиган қайта ишлаш санюатига катта эҳтиёж бор.

Ҳар йили ҳудудий ҳокимликлар томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бандликни таъминлаш мақсадида тадбир-

жамланади, тегишли идоралар томонидан кўмак берилади. Ана шу бўлажак корхоналар рўйхати га кўз ташлаб кўринг-а, асосий қисми трикотаж, мебель, акфа ромлари ишлаб чиқариш каби санюкли йўналишлардан иборат. Мева-сабзавотни қайта ишлашга дохил режаларга деярли кўзингиз тушмайди.

Тўғри, ҳозир бозор иқтисодиёти, бир замонлар бўлгани каби қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларига давлат буюртмаси йўқ. Бироқ дахлдор идоралар юқорида тилга олинган Рақобат кўмитаси каби мавжуд вазият таҳлилидан келиб чиқиб, тадбиркорларни янги йўналишларга жалб қилиши, бу борадаги тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиши мумкинми? Мева-сабзавот тез айнувчан, бироқ қайта ишлашни йўли топилса, қадоққа тушган маҳсулот йиллаб сақланади-ку!

Эътибор берсангиз, аёллар салатларга ишлашши хуш кўрадиган – консерва банкада қадоқланган маккажўхори ва яшил нўхат ички бозорга асосан Россия ва Молдовадан келтирилади. Ҳамиша харидоригр бўлган бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариб, бозорни тўйинтириш мумкин эмасми? Ҳолбуки, ҳудудларда деҳқонлар ўн минглаб гектар майдонларда такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирадilar. Эътибор берсангиз, бу турдаги маҳсулотларни қадоқлаш учун катта ресурс, ноёб хомашё керак эмас. Таркиби бор-йўғи жўхори ёки кўк нўхат, сув, шакар ва туздан иборат. Уни тўрт йилгача сақлаш мумкин. Тўрт йил-а?!

2024 йил 11 июнь куни таниқли блогерларнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида Президентнинг Озарбайжонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, мураббо (жем) ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ўрганиш, тажриба алмашиш ҳамда келажакда ишлаб чиқаришни амалга ошириш юзасидан топшириқлари ижроси доирасида Қишлоқ хўжалиги вазир-

МУНОСАБАТ

лиги раҳбарияти, «Агробанк» бошқаруви раиси ҳамда ўзбекистонлик йигирмага яқин тадбиркорлар айни вақтда Озарбайжон давлатида хизмат сафарига бўлиб тургани ҳақида пост эълон қилинди. Реклама мазмунидаги ушбу материалда Озарбайжон тажрибасини ўрганиш натижасида ўзбекистонда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, хусусан, мураббо (жем) тайёрлаш тизimini такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилаётганлиги га ургу берилган.

Шунга ҳам роппа-росса бир йил бўпти. Аммо ўтган давр ичида айни йўналишда бирор-бир жиддий лойиҳа ишга туширилгани ҳақида эшитмадик.

Ўн йиллар аввал Андижон вилоятининг Избоскан туманида фаолиятини қурувчиликдан мевани қайта ишлаш санюатига йўналтирган тадбиркор Собиржон Абдурахимов асос солган корхонада ўндан ортиқ қадоқланган маҳсулотлар тайёрланиб, маҳаллий ва хориж бозорларига экспорт қилиш йўлга қўйилган эди. Экспертларнинг айтишича, ҳатто бежирим қадоқлардаги ялпиз қиёми ва тарвуз пўчоғидан тайёрланган мураббо жаҳон стандартлари даражасига чиққан эди. Бироқ орада юзага келган молиявий муаммолар сабаб корхона фаолиятини тўхтатишга тўғри келди.

Бугун шу мавзуда вилоят мисолида сўз очилса, кўзга кўрингудай иккита субъект – Кўронтёпа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги ҳамда Хўжаобод туманидаги «Навигул» корхонаси хаёлга келади. Ҳар иккаласида ҳам мева-сабзавотни музлатилган ҳолда хорижга экспорт қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Асакадаги «Обод турмуш орузи» масъулияти чекланган жамиятида эса саккиз хил маҳсулот, жумладан, укролдан тортиб, булғор қалампир, бақлажон, лавлаги, сабзи ва пиёзгача қуриштиб, қадоқланади. Жараён табиий равишда амалга оширилгани учун маҳсулот таркиби ўзгармайди. Дейлик, бир сиқим қуриштилган пиёзни пиёлага солиб, сув қуйсангиз бир зумда асл холига келади. Мутахассисларнинг айтишича, бундай маҳсулотлар, айниқса, харбийлар учун ниҳоятда қулай. Демак, ҳосил мўл бўлган йилларда тонна-тонна пиёзни увол қилмай, шу усулда қайта ишлаб, хорижга экспорт қилиш мумкин.

Андижонда икки-уч йил аввал соҳа мутахассислари кўпни кўрган, имкониятлари бадастир тадбиркорлардан бирига узумни қайта ишлаш лойиҳасини тақлиф этишганида, тақлиф охирига етиб улгурмай «Ёшим бир жойга борганида, вино ишлаб чиқараманми?» деб кескин рад этади. Шу мавзудаги мулоқотлардан бирида мева-сабзавотчилик бўйича мутахассис-эксперт Муталлибжон Сулаймонов юқоридаги воқеани эслаб, қайта ишлаш масаласида, аввало, дунёқарашни ўзгартириш керак, ахир узумдан фақатгина вино эмас, компот, мураббо, шинни каби 13 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади, дея куйиниб гапирганди.

Чиндан ҳам шундай: сўз бораётган масалада ички бозорни тўйинтириш учун, аввало, тадбиркорнинг хоҳиш ва уқуви бўлиши зарур. Мурасадлар ишбилармонларда ана шу истакни уйғота билишлари, уларга яқин кўмакчи бўлиши даркор.

Нурилло НЎЪМООНОВ
«ISHONCH»

ШАРҲ

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ СУДГАЧА АДОЛАТНИ ТИКЛАЙ ОЛАДИ (МИ?)

2025 йилнинг 19 майида Президентимиз «Ҳуқуқий эксперимент тариқасида давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий хужжатлар бўйича низоларни судгача кўриб чиқишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Унга кўра, мамлакатимизда маъмурий хужжатлар бўйича давлат хизматлари соҳасида юзага келаётган низоларни судгача ҳал этиш тизими жорий этилмоқда.

Мазкур қарор жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга янада қулай шарт-шароит яратишга қаратилган янги ҳуқуқий экспериментдир. Унинг тартибига кўра, 2026 йил 1 июлгача Тошкент шаҳрида айрим давлат хизматлари бўйича қабул қилинган маъмурий хужжатларни судгача кўриб чиқишнинг янги механизми жорий этилади. Бунинг учун Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузурида махсус апелляция кенгашлари ташкил этилади. Улар юридик шахс мақомига эга бўлмаган, аммо мустиқл иш юритадиган коллегиал органлар сифатида фаолият юриатади.

Апелляция кенгашлари қонунчиликка мувофиқ бўлмаган маъмурий хужжатлар юзасидан шикоятларни қабул қилади ва уларни судгача кўриб чиқади. Бунда, шикоятлар нафақат фуқаролар томонидан юборилади, балки давлат хизматлари мониторинги натижаларига асосан ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Кенгашлар 20 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари бўйича қабул қилинган қарорларни судгача баҳолаш ҳуқуқига эга. Хизматлар орасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва коммунал тармоқларга уланмиш оид техник шартларни олиш каби соҳалар бор.

Апелляция кенгаши қабул қилган қарорлар маъмурий органлар учун мажбурий ва қатъий ҳисобланади ҳамда унинг устидан шикоят қилишолмайди. Бундай ҳуқуқ фақат фуқароларга берилади, яъни улар кенгаш қароридан норози бўлган тақдирда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, апелляция кенгашлари қарорлари қонунчиликда белгиланган тартибда «Е-қағоз» электрон тизимига жойлаштириб борилади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эса шикоятларни юбориш, уларни кузатиш ва қарорларни олиш каби имкониятлар яратилади.

Умуман олганда, амалиётга жорий этилаётган янги тизимда рақамли ечимларга алоҳида эътибор қаратилган. Манфаатдор шахслар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шикоят юборади ва қарор натижасини шахсий кабинетларида олади. Мурожаатларнинг кўриб чиқиши ва ижроси онлайн кузатиб борилиши эса тизимда очиклик ва шаффофликни таъминлайди.

Шу билан бирга, янги тартибга кўра, агар апелляция кенгаши кенонидан давлат хизмати кўрсатиш юзасидан қабул қилинган маъмурий хужжат қонуний эмас, деб топилиб, уни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш, балки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинса, шу асосда манфаатдор шахс томонидан берилган ариза автоматик равишда қайта кўриб чиқиш босқичига ўтказилади. Жараён Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади ва фойдаланувчи аризаси кўриб чиқишидаги ўзгаришлар ҳақида электрон тарзда хабардор қилинади. Шу тариқа фуқаролар ва тадбиркорлар давлат хизматларини қайта олиш имкониятига эга бўладилар.

Сирасини айтганда, маъмурий хужжатларнинг судгача кўриб чиқиши бир томондан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қулай восита бўлса, иккинчи томондан, давлат органларининг масъулияти ва қонунларга риоя қилиш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Илҳомжон АБДУСАТТОРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети бўлим
бошлиғи

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси «Пойтахтйўлкўкалам» давлат муассасаси танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани D027 «D001 автомобиль йўли (36 км.дан) Чингелди қишлоғи» автомобиль йўлининг 1-4 км. оралигидаги яшил ҳудудлардаги сўғориш тизимларини жорий таъмирлаб бериш учун энг яхши тақлифни танлаш орқали корхоналарни шартнома асосида тақлиф этади. Бошланғич нархи – 270 000 000 сўм.

Танловда қатнашиш учун иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар:

1. Танловда иштирок этиш учун ариза.
2. Мазкур йўналишда 7 йиллик тажриба ва малакага эгаллиги.
3. Кафолат хати (Инсофсиз ижрочиларнинг ягона ре-

естрида йўқлиги, тугатиш ёки банкротлиги).

4. Солиқ ва йиғимлар бўйича мuddати ўтган қарзларнинг йўқлиги.

5. Коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича ариза.

6. Иштирокчининг техник тақлифи.

Лот №2

«Пойтахтйўлкўкалам» давлат муассасаси автомобиль йўл бўйларигаги яшил ҳудудларини кўкаламзорлаштириш учун манзарали дарахт, чим (газон) ва гулларни етказиб бериш учун энг яхши тақлифни танлаш орқали корхоналарни шартнома асосида тақлиф этади. (Ясен дарахти баландлиги 3.8-4.5м. 180 дона; Газон 3200 кв.м; Гул бегона 12000 дона) Бошланғич нархи – 250 000 000 сўм.

Танловда қатнашиш учун иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар.

1. Танловда иштирок этиш учун ариза.

2. Мазкур йўналишда 15 йиллик тажриба ва малакага эгаллиги.

3. Кафолат хати (Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида йўқлиги, тугатиш ёки банкротлиги).

4. Солиқ ва йиғимлар бўйича мuddати ўтган қарзларнинг йўқлиги.

5. Коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича ариза.

6. Иштирокчининг техник тақлифи.

7. Иштирокчи агроном томонидан 6 ойлик дарахт назорати ҳамда кафолат хати.

Тақлифлар 2025 йилнинг 17 июнига қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент тумани, «Дийдор» МФЙ, Шифобахш сувлари, 80-уй.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги –
ЎзА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Фаргона вилояти бўлими, «Фаргона ҳақиқати»
– «Ферганская правда» газеталари таҳририяти
ҳамда Хитой Халқ Республикасининг
Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида
2025 йил 15–22 август кунлари пойтахтимиздаги
Тошкент Фотосуратлар уйида «Ўзбекистон –
Хитой: ШҲТ доирасида ҳамкорлик» мавзусида
фотокўргазма ва танлов ўтказлади.

Ўзбекистоннинг барча фотожурналистлари иштирок этишга тақлиф қилинади.

Фотокўргазма ва танловда иштирок этиш учун 2025 йил 1 августгача иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзбек-хитой ҳамкорлиги самараларини акс эттирувчи камида 5 та электрон фотосурат тақдим этиш лозим.

Ҳайъат танлаб олган фотосуратлар 15–22 август кунлари Тошкентдаги Фотосуратлар уйи кўргазма залида намойиш этилади.

Ғолибларни тақдирлаш маросими 15 август куни, фотокўргазма очилишида бўлиб ўтади.

Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади:

1-ўрин – 1 нафар иштирокчи

2-ўрин – 2 нафар иштирокчи

3-ўрин – 5 нафар иштирокчи

Фотосуратлар ва муаллиф ҳақидаги маълумотномани куйидаги Telegram рақамига юборинг: +998 88 005-19-51.

Тақлилий кўмита

Тел: 94-390-19-51.

ОЛАМДА БУГУН

Эрон МАГАТЭ билан ҳамкорликни чекламоқчи

Эрон Атом энергияси ташкilotи расмий вакили Беҳруз Камолвандий баёнотига кўра, агар Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) Эронга қарши резолюция қабул қилса, Техрон ушбу агентлик билан ҳамкорликни чеклайди.

«Биз бир қатор саволлар рўйхатини тайёрлаб қўйганимизни МАГАТЭга маълум қилдик. Баъзи чоралар техник хасаратга эга бўлади, бошқалари эса агентлик билан ҳамкорлик форматига тааллуқли. Шубҳасиз, МАГАТЭ биз билан аввалгидек очик ва кенг қамровли ҳамкорликни кутиб, хомтама бўлмаслиги керак», деди Камолвандий.

маслик бўйича мажбуриятларни бузганликда айблamoқчи. Келаси ҳафта МАГАТЭ Бошқарув кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтади. Агентлик Эроннинг 60 фоизгача бойитилган уран ишлаб чиқариш суръатини оширганини билдириб, Техрон билан ҳамкорликни қоникарсиз дея баҳолаган. Эрон Ташқи ишлар вазирлиги эса бу баёнотни сиёсийлаштирилганликда айблаб, унинг мазмунига норозилик билдирган.

Мўғулистонда қизамиқ авжига чиқди

Мўғулистонда мактаб таътиллари бошланганидан буён қизамиқ билан касалланганлар сони 6 минг нафардан ошиб кетди. Бу ҳақда мамлакат Юқумли касалликлар миллий маркази маълум қилди.

Маълумотларга кўра, 9 июнда расман тасдиқланган ҳолатлар сони 6046 нафарга етган.

«Касалхонага ётқизилган 616 бемордан 38 нафарининг аҳоли оғир. Беморлар билан яқин алоқада бўлган 36 307 нафар фуқаро шифокорлар назорати остида», дейилади расмий хабарда.

Марказ шошилинч ёрдам кутаётган ота-оналар ва болаларнинг катта наъбатига дош беролмаётганини маълум қилган эди. Май ойида қизамиқдан эмланмаган икки бола вафот этганига қарамай, ҳукумат мактабларини карантинга ёлмайган. Касалланганлар орасида 10-14 ёшли болалар тахминан 40 фоизни ташкил қилмоқда.

«Қулупнай ой» – ноёб астрономик ҳодиса

11 июнь куни Ер аҳолиси ноёб астрономик ҳодиса – «қулупнай ой» деб аталувчи тўлин ойни кузатиш имконига эга бўлади.

«Қулупнай ой» деб ёзнинг биринчи ва ёзги кун узайишидан аввалги сўнгги тўлин ойга айтади. Бу йил тўлин ой уфққа нисбатан жуда паст жойлашади ва ушбу оптик иллюзия туфайли унинг ҳажми оdatдагидан тахминан 20 фоиз каттарoқ кўринади.

Шунингдек, ой нурлари ер атмосферасининг зич қатламларидан ўтар экан, тўқ қизғиш тусга киради. Бу – Шимолий ярим шарда ойнинг охириги йиллардаги энг «пастда жойлашган» кўринишдаги тўлин ой бўлиб, бунга ўхшаш ҳодиса энди фақат 2043 йилда такрорланиши мумкин.

Сурия ярим йилда 16 млрд. долларлик сармоя жалб қилди

БААнинг «The National» нашри хабарига кўра, Башар Асад режими кулаганидан сўнг ўтган олти ой ичида Сурияга қарийб 16 миллиард долларлик сармоя ва халқаро ёрдам жалб этилди.

Энг йирик сармоядор Қатарнинг «UCC Holding» компанияси бўлиб, у мамлакатда тўртта газ электр станцияси ва 1 ГВт қувватга эга қувш электрстанцияси қуриш учун 7 миллиард АҚШ доллари сарфлайди.

БМТ Тарақиёт дастури томонидан 1,3 миллиард доллар қийматидagi уч йиллик дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у инфратузилмани тиклаш, ижтимоий ҳаёт тизимини фаоллаштириш ва рақамли стартапларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

логистика компанияси ва Суриянинг янги ҳукумати 800 миллион долларлик англашув меморандумини имзолади. У Тартус портидаги кўп функцияли терминални ривожлантириш ва бошқаришни қамраб олади.

Франциянинг SMA CGM кемачилик компанияси эса 260 миллион долларлик 30 йиллик концессия битими доирасида Латакия портни бошқариш ҳуқуқини кўлга киритди.

Брюсселда бўлиб ўтган конференцияда Европа дoнорлари мамлакатни реконструкция қилиш учун 6,5 миллиард доллар ажратишга ваъда берди. Май ойида БААнинг «DP World»

Жаҳон банки Сурия иқтисодийетини тўлиқ тиклаш учун 400 миллиард доллар кераклигини таъкидламоқда. Бироқ Суриянинг ўтиш давридаги иқтисодий вазирни Нидал аш-Шаарга кўра, аслида бу миқдор 1 трлн. долларга яқинлашиши мумкин.

«Renault» Украинада дрон ишлаб чиқаришни бошлайди

«France Info» радиостанциясининг маълум қилишича, Франциянинг йирик автомобил ишлаб чиқарувчиси «Renault» Украинада учувчи-сиз боқариладиган қурилмалар – дронлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Маълумотларга кўра, лойиҳа Франциянинг кичик мудофаа компанияларидан бири билан ҳамкорликда, фронт чизигидан ўнлаб ёки юзлаб километр масофада жойлашган ҳудудда амалга оширилади.

Украина армияси 2025 йилда 4 миллиондан ортиқ дрондан фойдаланишни режалаштирмоқда, улар замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилади. Баъзи дронлар кейинчалик Франция армияси томонидан ҳам қуроллар таркибига қабул қилиниши мумкин.

Аввалроқ Франция мудофаа вазири Себастьян Лекорню «LCI» телеканалда йирик автомобиль компанияси Украинада дронлар ишлаб чиқаради, дея баёнот берган, бироқ компания номи ошкор этилмаган эди.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

Бир ривоятда айтилишича, чақалоқ дунёга келиши олдида Аллоҳдан сўрабди: – Мен фоний дунёда нима қиламан, у оламга нега юборилман? – У оламда бир фаришта ҳамиша сенинг ёнингда бўлади. – У билан қандай гаплашаман? Унинг тилини билмайман-ку? – У сени ўз тилига ўргатади. – Ундан яна нималарни ўрганаман? – У сени меҳр билан асраб-авайлайди, сен учун яшаб, сенга яхшиликдан сабоқ беради. – Уша фариштанинг исми нима? – Исмими?.. Исми – «Она!».


Салкам беш йил бўлпти, фариштам кетиб, юрагим йиғлаётганига. Бу вақт ичида одамлар ўзгарди ва албатта, мен ҳам. Аммо она билан боғлиқ хотиралар ҳечам ўзгармас экан. Улар ҳаётим давомида кўксимдаги кемтиклик ва кенгликларда яшайди.

«Вақт – табиб», дейишади. Балки шундайдир. Шафқатсиз йиллар фаслларни чарқаладек айлантирмоқда. Лекин улар дардимга даво бўла олмади. Фариштасиз ҳаётга кўника олмаяпман.

янграйди: «Онанг тирик... Менинг ҳар зарбимда уни ҳис қиласан! Тингла, уни эшитасан, уни кўз олдинга келтирасан!» Сизсиз ҳаёт – юдузи йўқ осмон. Ойга қарайман. Қуёшга тикиламан. Энди кимни «Она» дейман, она? Сиз билан дийдорлашув – ҳозирча сарғайган суратлар ва қабрда, холос. Онажон, сиз дунёдан ўтга-

Тоғам йиғлаб-йиғлаб, қабрингизга янги тош қўйди.

Холам, синглим ва мен сезинг бошингизга бордик. Қабрингизни силаётганда кўларим титради, оҳангланган қабрингиздан оқ тусли тупроқлар тўкила бошлади... Уларга қўшилиб, мен ҳам титрадим, ўзим ҳам тўкидим... Сизни эшитдим, сиз шивир-ладингиз онажон: «Келдингларми, соғиндингларми?» Бир куни дадамни кўриб қолдим. Меҳр кутдим. Аммо у ўзини кўрмаганга олди. Ҳа, энди синглим иккала-миз



(Бикажон холам хотирасига бағишланади)

Сизни соғинсам, соатлаб суратингизга тикиламан. Баъзан оёқларим қабристонга етаклайди. У ердаги сукунатда сизнинг овозингизни эшитаман: «Қизим-а, қизим...».

Онажон, мен ташқи оламдан узилиб, хотиралар дунёсига аяшяпман. Бу оламда фақат сиз ва мен бор!

Мен кундалик ҳаётда одамлар билан сўзлашиб, ҳатто кулишим ҳам мумкин. Лекин сизсизликдан ич-ичимдан кулга айланяпман.

«Бир дунё дардининг ўлчови йўқ», дейишади. Илгари бу гап менга эриш туюларди. Энди англаяманки, қуюқ ва суюқ, оғир ва енгил, узун ва қисқани ўлчаш мумкин экан. Аммо кўксингизга қадалган армон ва соғинчнинг ўлчови бўлмас экан.

Гарчи қалбимда ўлчови йўқ армон ва соғинч бўлса-да, бўшлиқ ҳам бор. Уни ҳеч ким ва ҳеч нарса тўлдиролмайди. Айтинг, она, нима қилай?

Бу ўткинчи дунёда сизнинг йўқлигингизга ҳали ҳам ишонгим келмайди. Гўё эшик очилди-ю, сиз кириб келасиз...

Уша машъум ҳудудда яқинларим «энди онанг йўқ» дейишганида, кўзимда ёш, кўнглимда умид ва илинж билан уларга тикилдим. Улар бош чайқашганда эса, фигонинг фалакка ўрлади: Онажон!..

Мендан бошқа ҳамма тақдирга кўнган, фақат юрагим пичирларди: «Онанг тирик, онанг ўлмаган...».

Кўнлар, ойлар, йиллар ўтляпти. Ҳалигача кутяпман. Юрагимдан ҳануз сассиз садо

нингизда бу дунё мен учун ўз рангларини йўқотганди.

Сиз кузининг илк кунларида сарғайган япроқлар каби тўкилиб кетдингиз. Ер ва осмон аза тутди. Қўқда мотам либосига бурканган булутлар менга қўшилиб юм-юм йиғлади. Фарёдимдан чақмоқ чақди. Кўзёшларим ёмғир бўлди, ёмғир – кўзёшим...

«Сизларга ҳажожи ука олиб келаман. Агар келолмасам, холангникида яшанглар...».

Бу – сизнинг сўнги сўзларингиз эди.

Ушанда сизни «Тез ёрдам» машинасига замбилда олиб чиқиб кетишаётганда кўлингизга ёпишдим. Қўлимни маҳкам сиқингиз, бундан оғриқ эмас, илиқлик сездим. Қўлингизни ҳечам қўйворгим келмасди. Аммо мени тортиштиди. Қўлларимиз узилди... Қўлингиз бир муддат ҳавода муаллақ осилиб қолди. Сўнг кўлингизни секин кўтариб, уни охишта ўпиб, менга меҳр билан боқиб, «Хайр, ўлиб қоламан» ишорасини қилдингиз.

Сизни олиб кетишти...

Кейинчалик эшитдим, сиз ҳаёт ва ажал ўртасида турган пайтингизда ҳам бизни ўйлаган экансиз. Аммо баъзилар сизни сиз уларни ўйлаганчалик ўйлашмади. Сизни тез унуттишти...

Ҳатто шунчаки номига қўйилган қабртошга ҳам сиз тутилган сана хато ёзилди. Наҳотки, сизнинг таваллуд топган кунингизни эслай олишмаган бўлса?! Наҳотки, дадам ҳам...

Билмадим, сизнинг руҳингиз безовта бўлганми, ўша «тош» тезда кулаб тушди.

дадам учун нотаниш танишмиз. Ёнидаги аёл бизга онам ўрнида она бўлолмади.

Мактабда битта синфдошим билан тортишиб қолдим. Унинг «Сен етимча, ким ҳам бўлардинг, нима ҳам қилардинг...» деган гап-сўздан музлаб қолдим. «Етим» сўзи юрагимга қадалди. Ноилж, мен онаси йўқ, отаси тирик етимман.

Бир вақтлар мен ҳам беғубор болаликнинг таъминини толаётган қизча эдим. Энди ҳаммасидан айрилдим. Қолгани – ичкиш, қолгани – армон!

Яқинда эшитдим, дадам ўғилли бўлибди. Лекин бу хурсандчилик узоққа чўзилмаган. Чунки ховлига ўт кетибди. Сизнинг хонангиз ҳам, синглим ва менинг ётоғим ҳам буткул ёниб кетган.

Афсуски, энди ховлидаги сиз билан боғлиқ хотиралар йўқ. Энди уларни аслича тиклаб ҳам бўлмайди. Энг ачинарлиси, тиклашга хоҳиш йўқ...

Онажон, сизсизликдан чарчадим. Сизнинг изларингиздан юраман, сўзларингизни сўзлайман. Афсуски, излар қисқа, сўзлар оз.

Болалигимдан қабристон қариндошим бўлди. Менинг бахтли кунларим хотираларда қолди.

Хотира – сиз, сизнинг соянгиз! Холам – сизнинг меросингиз! Синглим – сизнинг кўзгуингиз! Мен эса...

Онажон, онасизлик оғир бўларкан...

Маржона ЗАРИПБОВА, ЎзЖОКУ талабаси

РЕПЕТИТОРГА ТАЛАБ ЮҚОРИ Ёхуд мактаб таълими нега етарли эмас?

Ҳар йили ёз фасли яқинлашгани сайин репетиторлик хизматларига талаб ошади. Абитурентлар олий ўқув юртларига кириш учун дарслардан ташқари машғулотларга боришади. Бугун репетиторга мурожаат қилмаган ўқувчи, болаларнинг қўшимча дарслари учун пул сарфламаётган ота-она қолмади, ҳисоб. Савол туғилади: Ҳўш, нега бугун унга эҳтиёж шу қадар юқори? Нима, мактаб таълими олий ўқув юртларига кириш учун етарли бўлмайдими?

Биринчидан, мактабда фанлар махсус ўқув дастурлари орқали ўргатилади, тарбия берилади, дунёқараш шакллантирилади. Болалар тенг шароитда таълим олади. Лекин бу умумий ёндашув ҳамма ўқувчининг ҳам эҳтиёжини бирдек қондира олмаслиги мумкин. Негаки, уларнинг ўзлаштириш қобилияти ҳар хил бўлади.

Мисол учун, баъзи ўқувчилар кеч ўзлаштиради, баъзилари эса тез. Боз устига, битта синфда 30-40 нафар ўқувчи бўлади. Ўқитувчи эса битта. 45 дақиқалик дарс давомида у ҳам янги мавзунини тушунтириши, машғулотлар ўтиши, ҳам уй вазифаларини текшириши керак бўлади. Табиийки, бунга имкон йўқ...

Бундан ташқари, устозни бир олам ҳужжатлар ва ташкилий ишлар кутиб туради. Ҳозир айтадиган гапим хато бўлиши мумкин, лекин, барибир, айтаман. Талаб юқори, юктамалар ҳам. Ўқитувчи бир йилдан кейин умуман керак бўлмайдиган, макулга турага кетадиган қоғозларни тўлдирсинми ёки дарс ўтсинми?

Навбатдаги сабаб бу – ихтисослик. Яъни ўқувчи олий таълим муассасасига кириш учун битта йўналишни танлаши ва уни чуқур ўрганишига киришади. Бизда эса юқори синф ўқувчилари учун ҳамма мактабда ҳам бундай имконият йўқ. Бўлса ҳам, эшитишимизча, номига, ҳисобот учун ўтилади. 9-11 синфлар учун машғулотларни сал бўлса-да, енгиллаштирган ҳолда ўзлари танлаган йўналишлар бўйича ўтиш тизимини кенгроқ йўлга қўйиш керақдир, балки...

Репетитор эса махсус фанларга алоҳида вақт ва эътибор ажратади. Иمتихонларга тайёрланаётган абитуриентлар учун муҳим ёрдамчига айланади, уни битта йўналишни танаб, чуқур ўрганишга ўргатади.

Хизматлар нархи масаласига келсак, оdatда репетиторлик учун курсларга ва бевосита махсус муаллимга мурожаат қилинади. Бугун ўқув курсларининг бир ойлик нархлари 400 миңдан бошлаб, 1,5 миллионгача. Ҳўш, бунга ҳамма оиланинг ҳам имкони етадими? Юртимизда меҳнат қилаётган барча ота-оналарнинг ойлик дармадолари етарли, деб ўйлайсизми? Асло ундай эмас. Қолаверса, бир оиланинг, кези келганда, бирданига 2-3 фарзанди қўшимча дарсларга, репетиторга эҳтиёж сезиши мумкин.

Нима қилмоқ керак? Юқоридаги муаммо мактаб таълими устида чуқур ўйлаб кўриш кераклигини англайди. Бизда эса йил сайин ўзгариб бораётган мактаб дарсликлари, ўқув дастурлари борасидаги масалалар ҳамон кўндаланг турибди. Хитой мактабларида бир синфда 40-50 нафар ўқувчи таълим олади. Улар дарсни ўзлаштирадilar. Яъни ўзлаштирмаган ўқувчига қўшимча уй вазифалари ва тестлар, кучсиз ўқувчилар учун алоҳида корректив гуруҳлар ташкил этилади.

Балки бизда ҳам ушбу тизимни йўлга қўйиш керақдир... Масъуллар бу ҳақда нима дейишаркин?

Адолат БАХТИЁРОВА, ЎзЖОКУ 1-курс талабаси

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Ўлмас Оллоберганов ижросида «Оҳу кўз» кўшиғи

Оҳу кўзини кўрдим, оҳулар орасинда, Ёниши малаксиймо ёғдулар орасинда. Э, воҳ, қайданан кўрдим, бошимга бало бўлди, Ишқиде ёниб қолдим, қайғулар орасинда.

MUASSIS:

Logo and contact information for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi.

Contact information for 'Ishonch' and 'Ishonch-Doverie' gazetes, including publisher Husan ERMATOV.

Subscription rates and contact information for 'Ishonch' gazetes in various regions.

Subscription rates and contact information for 'Ishonch' gazetes in different cities.

Subscription rates and contact information for 'Ishonch' gazetes in various locations.